

8-1-2018

MAIN DIRECTION OF MAINTANING FOOD SAFETY OF REGION

O. Abduganiev
Termiz State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Abduganiev, O. (2018) "MAIN DIRECTION OF MAINTANING FOOD SAFETY OF REGION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 38.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/38>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Абдуганиев О.А.- ТерДУ,
таянч докторант

МИНТАҚА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада озиқ-овқат хавфсизлиги, минтақада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ва ёндашувлари масаласига эътибор қаратилган. Хорижий давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Сурхондарё вилояти озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлигини, аграр салоҳият даражаси, протекционизм ёндашуви.

В статье уделяется внимание вопросам продовольственной безопасности, основным направлениям и подходам продовольственной безопасности региона. Проанализированы направления продовольственной безопасности зарубежных стран. А также, разработаны научно-обоснованные, практические рекомендации по обеспечению продовольственной безопасности Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: продовольственная безопасность, аграрный потенциал, подход протекционизма.

The article focuses on food security, the main directions and approaches to food security in the region. The directions of food security of foreign countries are analyzed. And also, scientifically substantiated, practical recommendations for ensuring food security of the Surkhandarya region have been developed.

Key words: food security, agrarian potential, protectionism approach.

Кириш

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммосини ҳал этиш ҳар қандай мамлакатнинг давлат сиёсати ва илмий тадқиқот объектининг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Бутун бир мамлакат ва унинг айрим минтақаларини озиқ-овқат билан таъминлашда агросаноат комплекси ва қишлоқ хўжалик тармоғига қатор вазифалар қўйиладики, уларни комплекс ҳолда ҳал этиш талаб этилади.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар етиштирмаслик бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта хушёрликка чақириши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур[1]” дея таъкидлаб ўтгани ушбу масаланинг эътиборга молик эканлигини кўрсатиб беради.

Озиқ-овқат хавфсизлиги назариясида муҳим муаммолардан бири уни таъминлаш усуллари ва механизмлари масаласидир. Албатта, бу ерда гап давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ҳам ички, ҳам ташқи қўллаб-қувватлаши тўғрисида кетмоқда. Икки йўналиш ҳам мураккаб тизим бўлиб, эркин бозор шароитида фаолият юритиши оғирроқ ва давлатнинг самарали аралашувини талаб этади. Назария ва амалиётлар озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси бевосита тармоқни давлат томонидан тартибга солиниши роли ҳамда даражасига боғлиқ эканлигини исботланмоқда.


Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Иқтисодий тармоқларида минтақа озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Минтақа озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-амалий масалалари мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кенг тадқиқ этилган бўлиб, улардан Б.Э. Мамараҳимов, Т.С. Расулов, Т.В. Ускова, Р.Я. Селименков, А.Н. Анищенко, А.Н. Чекавинский, ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мамлакатимиз олимларидан Б.Э. Мамараҳимов томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналиши тадқиқ этилган бўлиб, унда давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида, асосан, ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман, чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш ҳисобига амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган [6].

Т.С. Расулов ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганиб чиққан бўлиб, унинг фикрича, қишлоқ хўжалиги ер турларини оқилона, тўғри жойлаштириш натижасида тупроқ-иқлим шароитларини, жойнинг рельефини, ишлаб чиқаришни иқтисодий рентабелли ташкил этиш талаблари ҳисобига минтақада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган [7].

Мазкур соҳани тадқиқ қилишда хорижлик олимлар Т.В. Ускова, Р.Я. Селименков, А.Н. Анищенко ва А.Н. Чекавинскийлар дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг аграр салоҳият даражасига қараб ўртақлашувга ажратганлар. Булар протекционизм, экспортга йўналтирилган ва оралик ёндашувлардир (1-расм) [4].



1-расм. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг аграр салоҳият даражасига қараб ёндашувлар

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатимиз аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан талаб даражасида қондириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот жараёнида таққослаш, гуруҳлаш ва иқтисодий-статистик усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Таҳлиллар натижасига кўра, минтақа озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг протекционизм ёндашувининг энг таниқли вакиллари - Япония ва Норвегия, экспортга йўналтирилганни эса - Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) дир. Дунёнинг деярли барча давлатлари (масалан, Европа Иттифоқи давлатлари) озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун оралиқ ёндашувни амалда қўллайди. Бу ёндашувда протекционизм ва экспортга йўналтирилган ёндашувларнинг баъзи элементлари мавжуд бўлиб, улар орқали оралиқ йўлни кузатиб боради.

Протекционизм ва экспортга йўналтирилган ёндашувларнинг асосий фарқи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг гулуши жуда юқори. Мисол учун, Япония ва Норвегияда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси дунё кўрсаткичлардан юқоридир.

Япониянинг ички бозорини ҳимоя қилишнинг асосий воситалари озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини ҳамда божхона ва тарифларни тартибга солиш орқали озиқ-овқат импортини чеклаш, фермерларга турли субсидиялар шаклида тўғридан-тўғри тўловларни амалга ошириш ҳисобланади. Бундай ёндашув билан қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун сарфланадиган маблағларни бир қисми саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун инвестицияларга айланади ва шутарика миллий капитални қайта тиклаш жараёнида иштирок этади. Ўз навбатида, озиқ-овқат импортига сарфланадиган пул мамлакатни тарк этади ва экспорт қилувчи мамлакатларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда иштирок этади.

Аграр ва иқтисодий соҳада юқори салоҳиятга эга давлатлар қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда экспортга йўналтирилган ёндашувга таянади. Улар орасида Америка Қўшма Штатлари ҳам бор. Америка Қўшма Штатларида аҳолининг фақат бир фоизи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бевосита ишлаётган бўлса-да, мамлакат ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан нафақат ўз озиқ-овқат эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки дунёнинг энг йирик озиқ-овқат экспортчиси ҳам ҳисобланади. АҚШ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Бугдой, жўхори, соя ва мевалар каби муҳим озиқ-овқат ҳамда ем-хашак экинлари жаҳон савдосида уларнинг улуши катта.

Қўшма Штатлардаги фермер хўжаликлари ер майдони ўртача 200 гектарни, йирик фермер хўжаликларида эса бир неча минг гектарни ташкил қилади. Катта фермер хўжаликларида иш фаолиятни механизациялашнинг юқори даражаси фақат 15-20 нафар ишчини бошқариш имконини беради. 2011 йил маълумотларига кўра, 141 мингга йирик фермер хўжаликларида қишлоқ

хўжалиги корхоналари умумий сонининг 8 фоизини ташкил этса-да, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 65 фоиздан ортиғини ишлаб чиқаришади.

Қўшма Штатлар агросаноат комплексининг жадал ривожланиши қишлоқ хўжалиги экспортини субсидиялаш йўли билан эмас, балки илғор технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжаликни инновацион ривожланишга ўтиш орқали эришилган самарадорликнинг ошиши билан изоҳланади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган турли ёндашувларга эга бўлган мамлакатлар учун умумий ёндашув, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни юқори даражада сақлаб туришдан иборат. Мисол учун, АҚШда оилавий бюджетдаги озиқ-овқат харажатларининг улуши ўртача 10% ни, Европа Иттифоқида 15% ни, Россияда 40% ни, Хитойда 60% ни, Гаитида эса 85% ни ташкил қилади.

АҚШ аҳолиси учун озиқ-овқат маҳсулотлари етарлилигини ошириш камбағалларга давлат озиқ-овқат дастурлари орқали ёрдам бериш туфайли амалга оширилди. Ушбу дастурлар озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мамлакат хавфсизлиги биринчи навбатда, жамиятда юзага келадиган номутаносибликлар ва ижтимоий қарама-қаршилиқларни бартараф этишга қаратилган. Бироқ, бу дастурлар нафақат камбағалларнинг етишмаслик муаммосини ҳал қилиш, балки кам талаб қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари нархини тушириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ҳисобига фермерлар даромадларини оширишга қаратилган.

Барча мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган асосий чора-тадбирлар аграр соҳада илм-фанни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида илмий ва технологик ютуқларни жорий этиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишдир.

Хитойда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муваффақиятга эришишнинг асосий омилларидан бири, қишлоқ хўжалиги соҳасида илғор технологияларни кенг жорий этишдир. Хитойнинг янги аграр сиёсати доирасида аграр соҳа илм-фанини молиялаштиришни кўпайтириш ва узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқаришдаги илм-фан ва технологияларнинг илғор ютуқларини жорий этишни рағбатлантириш режалаштирилган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги Хитой тажрибаси ноёбдир, чунки мамлакатда дунё аҳолисининг 22 фоизини озиқлантириш вазифаси турибди, бу дунё ерининг 7 фоизини ташкил этади. Агар унинг худудида озиқ-овқат ишлаб чиқарилмаса, ҳатто дунё озиқ-овқат экспорти бу мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қондира олмайди. Шу сабабли Хитойда импортга катта боғлиқлик муаммоси мавжуд эмас.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатлар экспорт ва импортда етакчилик қилиб келмоқда. Аммо мазкур давлатлар экспорти ва импортида озиқ-овқат маҳсулотлари унчалик катта улушни ташкил этмайди. Ривожланаётган мамлакатлар экспорти ва импортида эса озиқ-овқат маҳсулотлари асосий қисмни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал

Экспорт-импортда озиқ-овқат улуши юқори бўлган мамлакатлар(2013)^[4]

№	Экспорт		Импорт	
	Мамлакат	Улуш	Мамлакат	Улуш
1	Гвинея-Биссау	90.91 %	Жибути	97.14 %
2	Қамаророллари	87.61 %	Кирибати	55.30 %
3	Либерия	85.20 %	Сомали	55.09 %
4	Малави	80.33 %	Гвинея-Биссау	40.28 %
5	Эфиопия	74.92 %	Бенин	39.93 %
6	Никарагуа	70.11 %	Гамбия	39.31 %
7	Жибути	68.61 %	Тимор-Лесте	34.35 %
8	Бурунди	67.28 %	Ливия	31.68 %
9	Афғонистон	64.64 %	Яман	31.59 %
10	Сан Томе ва Принсипе	60.48 %	Сан Томе ва Принсипе	29.86 %
11	Вануату	60.41 %	Зимбабве	29.23 %
12	Тимор-Лесте	58.69 %	Сенегал	27.10 %
13	Сомали	57.86 %	Гаити	26.57 %
14	Уганда	54.67 %	Афғонистон	26.13 %
15	Тонга	53.30 %	Капе-Верде	25.14 %
16	Кот`д-Ивуар	52.73 %	Либерия	24.84 %
17	Аргентина	51.47 %	Судан	24.71 %
18	Уругвай	51.14 %	Қамаророллари	24.61 %
19	Бенин	50.39 %	Гвинея	23.84 %
20	Муқаддас Винсент ва Гренадина	49.56 %	Миср	23.59 %

Манба:.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари импорт улушининг жуда юқори бўлиши ўша мамлакатни озиқ-овқат хавфсизлигини жаҳон бозорлари конъюктурасига боғлиқ қилиб қўяди. Бунинг натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари кескин ўсиши ёки камайишига сабаб бўладиган омиллар тез-тез учраб туриши кузатилади.

Япония давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши ҳам илмий тадқиқотларни молиялашдир. Давлат қишлоқ хўжалигига илмий-тадқиқот натижаларини қўллаш, тадқиқот институтлари, маҳаллий илмий марказлар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш марказлари, фермерларнинг малакасини ошириш курслари кабиларни молиялаштиришни ҳам ўз зиммасига олишга мажбур бўлди.

Умуманолганда, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти дунё мамлакатлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Жаҳоннинг 58 мамлакатада ФАО (БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти) фавқулодда чоралари ишлаб чиққан.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича жаҳон тажрибаси доирасида МДХ мамлакатларининг тажрибасига мурожаат қилсак, қуйидаги манзарани кўриш мумкин.

Россияда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш устидан давлат назоратини амалга оширадиган ҳукумат, давлат органлари, давлат хизматлари ва уларнинг ваколатлари доирасида текширишлар амалга оширилади. Бошқа федерал ижро этувчи органлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат

назоратини фақат Россия Федерацияси ҳукумати номидан амалга оширишлари мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш устидан давлат назорати барча ташкилотларда, мулкчиликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъий назар амалга оширилади. Россияда миллий хавфсизлик тизимини, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг асосий ҳужжати Россия Федерациясининг 2020 йилга қадар “Миллий хавфсизлик стратегияси” ҳисобланади. Шу билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсати концепцияси Россия Федерациясининг “озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида” Федерал қонунда мустаҳкамланган. Қонунда Россия Федерациясининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Қозоғистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш мақсадида агросаноат комплекси барқарор ривожланиш концепцияси 2010 йилгача ишлаб чиқилган бўлиб, аниқроғи, “2006-2008 йилларда Қозоғистон Республикаси агросаноат комплексини барқарор ривожлантириш концепцияси”ни амалга ошириш учун устувор тадбирлар дастури қабул қилинди. Дастур мақсадида агросаноат комплексининг барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг филиаллари рентабеллиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардош устунликларини ишлаб чиқиш эди.



2-расм. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги асосий муаммолар

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Шундай қилиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича хорижий тажрибалар қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал этишда давлатнинг устувор ролини тасдиқлайди. Давлат даражасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга протекцион ва экспортга йўналтирилган ёндашувлар катта даражада қўллаб-қувватланади.

Ҳозирги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Минтақаларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги муаммоларни (2-расм) бартараф қилиш чоралари амалда натижа бермаяпти.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш орқали аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди:

✓ қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш;

✓ қишлоқ хўжалик экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш.

Давлатнинг озиқ-овқатга оид сиёсати картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳам ўз-ўзини таъминлашни кўзда тутди. Аҳолига етарли даражада чорвачилик маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи етказиб бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлган базани барпо этиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг етарли захирасини шакллантириш, уларнинг чакана баҳолари барқарорлигини таъминлашга эришиш, четдан келтирилаётган маҳсулотлар ҳажмларини қисқартириб бориш қабилар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади[8].

Бунданташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан “2017—2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланди. Унгақўра, мамлакатда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш мақсадида бир қатор дастур ва тадбирлар ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда, жумладан:

✓ етакчи хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, Ўзбекистонда қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш дастури ишлаб чиқиш;

✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада диверсификациялаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;

✓ аҳолини экологик тоза ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

✓ мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш, шу жумладан, экспорт қилишда логистика тизимини янада ривожлантириш;

✓ аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини ошириш, уларнинг бозорлардаги нарх-наволари барқарорлигини сақлашга эришиш;

✓ фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни реализация қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, шунингдек, фермерларни зарурий ахборот, маълумот ва маслаҳатлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш;

✓ қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонлар ҳажмини янада кенгайтириш;

✓ суғориладиган ерларнинг мелиоратив майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш[2].

Озиқ-

овқатхавфсизлигиасослариниқонуниймустаҳкамлашмасалаларибўйичакўплабху дудларгатегишлиқонунҳужжатлариқабулқилинди. БугунгикундаЎзбекистонда озиқ-овқатхавфсизлигитўғрисидагиянги қонунлойиҳаси ишлаб чиқилди ва халқ муҳокамасига кўйилган.

Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида агросаноат комплексининг барқарор ишлаши ва келгуси йиллардаги ишлаб чиқариш ўсишини таъминлаш учун ишончли меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”қарори вилоятда фермер хўжаликлари иқтисодий ва молиявий барқарорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда[3].

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси

	Барча тоифадаги хўжалиklar					
	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Ўзбекистон Республикаси бўйича						
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (амалдаги нархларда, млрд. сўм.)	21422,3	27164,2	34201,4	39737,3	45176,4	47486,1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)	106,6	107,2	106,9	107	106,8	106,6
Сурхондарё вилояти бўйича						
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (амалдаги нархларда, млрд. сўм.)	1710,9	2227	3042,6	3429,3	3851,8	4089,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)	109,4	107,3	106,6	106	105,2	104,3

Манба: Давлат статистика қўмитасимаълумотлариасосидамуаллифишланмаси.

Ҳукумат томонидан кам таъминланган оилаларга иссиқ хоналар қуриш ва чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратилиши туфайли вилоятда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш сўнгги 5-6 йил ичида жадал ортди. Бу олиб борилган иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида республикадақишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

маҳсулотларининг умумий ҳажми 69504,2 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 102,0 %, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва шу соҳада кўрсатилган хизматлар - 68906,7 млрд. сўмни (101,9 %), ўрмон хўжалиги – 117,9 млрд. сўмни (101,6 %), балиқ хўжалиги 479,6 млрд. сўмни (126,8 %) ташкил қилди. Хусусан, республикада энг юқори ўсиш суръати Сурхондарё вилоятида (106,6%) кузатилди. Бундан ташқари, республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 101,9 %, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари - 100,7 %, чорвачилик маҳсулотлари - 104,2 % ташкил қилган ҳолда ўсиш кузатилмоқда[9].

Ўзбекистонда деҳқончилик ва чорвачилик тармоғини, шу жумладан, унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини инновацион ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида жорий этиш мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Дунё мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлигининг кўрсаткичларини аниқлаш борасида “Economist Intelligence Unit” журнали етакчилик қилади. Бу журналда 109 та давлатнинг умумий рейтинги аниқланади. Маълумотларга кўра тадқиқотчилар учта гуруҳга бўлинган 58 мезондан фойдаланадилар. Булар асосан озиқ-овқат мавжудлиги, истеъмол қилиш кўрсаткичлари ҳамда озиқ-овқат сифати ва хавфсизлик даражасига қараб сўнги икки йиллик маълумот асосида баҳоланади. 2016 йилги тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 53,6 балл (64-ўрин) кўрсаткичини олди, бу эса рейтингнинг етакчиларидан 35,4 баллга паст(4-жадвал).

3-жадвал

Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги рейтинги(2016йил) [10]

Ўрни	Давлат	балл	Ўрни	Давлат	балл	Ўрни	Давлат	балл
1	АҚШ	89.0	23	БАА	75.6	45	Руминия	63.3
2	Сингапур	88.2	24	Қувайт	75.5	46	Ботсвана	63.1
3	Ирландия	85.4	25	Чехия	74.9	47	Миср	61.8
4	Австрия	85.1	26	Жанубий Корея	74.8	48	Венесуэла	61.7
5	Голландия	85.0	27	Чили	74.3	49	Сербия	61.5
6	Швецария	84.4	28	Польша	74.2	50	Болгария	61.0
7	Канада	84.2	29	Греция	73.5	51	Тунис	60.1
8	Германия	83.9	30	Саудия Арабистон	72.8	52	Таиланд	60.0
9	Австрия	83.8	31	Венгрия	71.4	53	Колумбия	59.6
10	Франция	83.8	32	Словакия	70.7	54	Перу	58.6
11	Норвегия	83.8	33	Уругвай	69.4	55	Иордания	58.5
12	Швеция	82.9	34	Малайзия	69.0	56	ДоминикРеспубликаси	56.8
13	Янги Зеландия	82.8	35	Мексика	68.7	57	Қозоғистон	56.8
14	Дания	82.6	36	Бразилия	67.4	58	Озарбайжон	56.6
15	Буюк Британия	81.6	37	Аргентина	67.1	59	Украина	56.1
16	Португалия	80.5	38	Коста-Рика	66.9	60	Эквадор	56.0
17	Финландия	79.9	39	Туркия	66.0	61	Парагвай	54.5
18	Белгия	79.5	40	Панама	65.4	62	Марокаш	53.9
19	Исроил	78.9	41	Жанубий Африка	64.5	63	Шри-Ланка	53.7
19	Испания	78.9	42	Хитой	64.2	64	Ўзбекистон	53.6
21	Япония	77.4	43	Россия	63.8	65	Вьетнам	53.4
22	Италия	77.0	44	Беларус	63.5	66	Салвадор	53.3

Шу боисдан қайд этиш лозимки, айнаи глобаллашув жараёнида биргина мамлакатимиз эмас, балки бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини тўғри танлаш ва амалда қўллаш муаммоси муҳим масалага айланмоқда.

Хулосаватаклифлар

Илмий изланишларимиз асосида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича минтақалар томонидан тўпланган барча хилма-хил тажрибалардан хулоса қилиб Сурхондарё вилоятида озиқ-овқат хавфсизлигини самарали ва ишончли таъминлаш учун қуйидагиларга эътибор қаратишни кўрсатиш мумкин:

- ✓ аҳоли жон бошига ўртача озиқ-овқат турлари бўйича истеъмол қилишнинг ҳудудий нормаларини шакллантириш;
- ✓ барчаташкилий-ҳуқуқийшакллардагиташкилотларучунҳудудийозиқ-овқатбозорларигақиришҳамдатенграқобатмуҳитинитаъминлаш;
- ✓ эришилганозиқ-овқатхавфсизлигидааражасипасайишинингoliniш ва янада ошириш чораларини излаш;
- ✓ минтақавийозиқ-овқатбозорлариҳолатитўғрисидагиахборотнингочик ва шаффофлигини таъминлаш;
- ✓ озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан мамлакатнинг ҳукумати томонидан қўйилган вазифанинг аҳамиятинитушуниш ва уни ҳал этиш учун саъй-ҳаракатларни кучайтириш.
- ✓ вилоят ҳудудида катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларни сақлаш қувватига эга бўлган омборларни кўпайтириш. Булар орқали ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари сақлаб, ички бозорлардаги нарх-навои барқарор ушлаб туриш ва кузги-қишки мавсумда ушбу маҳсулотлардан аҳоли эҳтиёжи учун фойдаланиш.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 8 феврал 28(6722)-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 712 – сон қарори. Тошкент 2016 йил.
4. Т.В.Ускова, Р.Я.Селименков, А.Н.Анищенко, А.Н.Чекавинский “Продовольственная безопасность региона” [Текст]: монография - Вологда 2014г. 50-54 стр.
5. А.А. Исаджанов, Р.М. Кенжабоева, “Озиқ-овқат хавфсизлиги: замонавий тенденциялар ва миллий устуворликлар”. Илмий мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналі. № 1, январь-февраль, 2015 йил. 5-6 бетлар.
6. Б.Э.Мамарахимов, “Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва саноатини ривожлантириш”. Илмий мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион

технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2016 йил. 4-6 бетлар.

7. Т.С.Расулов, “Озиқ-овқат хавфсизлигининг назарий асослари ва уни таъминлашнинг устувор йўналишлари”. Илмий мақола.

8. Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Тошкент 2015. 50-51 бетлар.

9. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг расмий сайти. – Кириш тартиби:<http://stat.uz>.<https://stat.uz/uz/statinfo/ishlo-kh-zhaligi-va-ekologiya/yshlo-kh-halyhy/2393>

10. Дунё мамлакатларининг озиқ-овқат хавфсизлиги рейтинглари [Электрон манба] Гуманитар технологиялар маркази. – Кириш тартиби: <http://gtmarket.ru/ratings/global-food-security-index/info>